
«РУМЯНЦЕВСКИЕ ЧТЕНИЯ – 2016» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ВА МДҲ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАЛАРИ ЯГОНА АХБОРОТ МАКОНИ СИФАТИДА





Муяссар Болтабоева,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Илмий-методик ва тадқиқот хизмати бош мутахассиси

Навбатдаги «Румянцевские чтения – 2016» конференцияси 12 – 13 апрель кунлари Россия давлат кутубхонасида бўлиб ўтди

«Румянцевские чтения» конференциясининг ўтказилиш тарихи бир неча ўн йилликларни ўз ичига олади. 1981 йилдан бери Россия давлат кутубхонасининг илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича ҳар йили илмий-амалий конференция ўтказиб келинган ва бу 1994 йилга келиб Румянцев музеумининг асосчиси, Россия давлат кутубхонасининг ҳомийси бўлган канцлер, граф Николай Петрович Румянцев (1754–1826) таваллудининг 240 йиллиги тантанали нишонланиши муносабати билан «Румянцевские чтения» номини олган.

Навбатдаги «Румянцевские чтения – 2016» Халқаро конференцияси 12–13 апрель кунлари Россия давлат кутубхонаси (Москва шаҳри)да бўлиб ўтди. Конференцияда 12 та давлатдан 300 дан ортиқ мутахассислар иштирок этдилар. Қатнашчилар кутубхоналар, музейлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, марказ ва бирлашмалар вакилларидан ташриф буюришди.

Конференция доирасида ялпи мажлис, еттита секция йиғилиши ва бешта давра суҳбати ўтказилди.

Конференция ялпи мажлисини фалсафа фанлари номзоди, Россия давлат кутубхонасининг бош директори в.в.б. В.И. Гнездилов кириш сўзи билан очиб берди. У ўзининг чиқишида ушбу конференция Россия давлат кутубхонасида 35 йилдан бери ўтказиб келинаётганлиги, йиллар мобайнида конференция нуфузи пасаймасдан, аксинча унга бўлган қизиқиш тобора ўсиб келаётганлиги, бугунги жамиятда кутубхоналарнинг ахборотлашуви, электрон кутубхоналарнинг яратилиши, кутубхоналарнинг янги пайдо бўлаётган вазифалари ҳақида гапириб ўтди.



Конференция Миллий электрон кутубхона бўйича Россия давлат кутубхонаси бош директори ўринбосари М.Д. Родионовнинг «Россия кутубхоналари тизимида Миллий электрон кутубхона(МЭК)нинг ўрни» мавзусидаги маърузаси билан бошланди. «Биз ҳар йили энг долзарб нашрларни танлаб олиш бўйича кенг кўламли ишларни олиб борамиз, ундан кейин унинг ҳуқуқий эгаси ва нашриётлар билан жуда мураккаб ва кенг қамровли битим тузиш ишлари олиб борилади» деди М.Д. Родионов.

Конференция доирасида Миллий кутубхоналар ва МДҲнинг ягона ахборот макони: давр талаби ва ривожланиш истиқболлари мавзусидаги форум бўлиб ўтди. Форумнинг асосий ташкилотчиси Евросиё Кутубхоначилик Ассамблеяси (Библиотечная Ассамлея Евразии БАЕ)дир. Унинг асосий мақсади МДҲ ҳудудида ягона ахборот-кутубхона ва социомаданий маконни шакллантирувчи кутубхоналар нотижорат шериклигидир. Ташкилотни вужудга келиши МДҲ давлатлари халқаро кутубхоначилик соҳасидаги ҳамкорликни сақлаш ва ривожлантириш ишида миллий кутубхоналарнинг бирлашуви ва консолидацияси туфайли содир бўлган.

Форумнинг биринчи кунида «МДҲ кутубхона-ахборот макони: ҳолати ва истиқболлари» давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида МДҲда муштарак ахборот-кутубхона маконини шакллантириш, дунёда тинчликнинг барқарор топиши, ўзаро ҳамжиҳатлик, мада-

ниятлараро мулоқотда кутубхоналарнинг ўрни муҳим эканлиги таъкидланди.

Давра суҳбати қатнашчилари фикрлари асосида қуйидагиларга келишилди:

- муштарак МДҲ кутубхона-ахборот макони жаҳон ахборот маконининг катта аҳамиятга эга қисмини ташкил этади. Унинг ҳар бир иштирокчиси ушбу маконнинг барча ресурсларидан ва афзалликларидан фойдаланиш имконига эга;

- маданий ва ахборот алоқаларни мустаҳкамлашда ўзига хос ҳисса қўшадиган, кутубхона фаолиятининг замонавий йўналишлари (муаллифлик ҳуқуқи, модернизациялаш, инновациялар, этномаданий муносабатлар)ни ҳисобга олган ҳолда модель Кутубхоначилик кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш.

Давра суҳбати якунида қатнашчилар қуйидагиларни мақсадга мувофиқ деб топишди:

- МДҲ давлат-қатнашчилари Парламентлараро Ассамблеясидан кутубхоналарни маданият, таълим, ахборот соҳасидаги қонунчилик ишларига кенгроқ жалб қилишни сўраш;

- ахборот ресурсларини интеграциялаш, ёзма маданий меросни сақлаш, фойдаланувчилар мутолааси, кутубхона хизмат кўрсатишни ўрганиш соҳасида кутубхоналарнинг ҳамкорликдаги илмий тадқиқотларини фаоллаштириш;

Иккинчи давра суҳбати МДҲда Таълим йилига бағишланди. Унда мутахассислар касбий таълими масалалари, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муаммолари, узлуксиз ва масофавий таълимда кутубхоналарнинг ўрни ҳақида фикр алмашинилди. Кекса ёшдаги фойдаланувчилар ва имконияти чекланган фойдаланувчиларга ҳуқуқий ахборот бериш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ўргатиш бўйича кутубхона хизмат кўрсатиш тажрибалари кўрсатилди.

Иккинчи давра суҳбати қатнашчилар фикрлари асосида қуйидагиларга келишилди ва зарур деб белгиланди:

- халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва



унинг самарадорлигини ошириш мақсадида яқин 5 йил ичида масофавий қўшимча касбий таълим ва электрон коммуникациялар асосида кадрларни қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни кутубхоналарга тавсия қилиш;

- имконияти чекланган фойдаланувчилар ва кекса ёшдаги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда инновацион ёндашувларни татбиқ қилиш, замонавий жамиятга мослашиши учун уларга ахборотларни тақдим қилиш ва уларнинг кутубхоналарда норасмий мулоқот қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

- миллий кутубхоналар кутубхоначи мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича, кекса ёшдаги кишиларга ҳамда имконияти чекланган кишиларга хизмат кўрсатиш бўйича тажрибаларни умумлаштириб, «Вестник БАЕ» журнали саҳифаларида ва кутубхоналар сайтларида эълон қилиб бориш.

«Румянцевские чтения» конференциясининг ўтказилиши бир нечта ўн йилликларни ўз ичига олади. 2016 йил ҳам конференция ўзининг долзарблигини йўқотмаганлигини кўрсатди. У Россия давлат кутубхонаси илмий фаолияти бўйича ҳисоботга оид хусусиятга эга ички тадбир сифатида кўп йўл босиб ўтган ва нафақат Россия, балки бошқа мамлакатларнинг кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик ва турдош фанлар соҳасидаги тадқиқотчиларни жалб қиладиган халқаро конференция нуфузига эга бўлди.

Конференция доирасида Миллий кутубхоналар ва МДҲнинг ягона ахборот макони: давр талаби ва ривожланиш истиқболлари номидаги форум бўлиб ўтди

Давра суҳбатида МДҲда муштарак ахборот-кутубхона маконини шакллантириш, дунёда тинчликнинг барқарор топиши, ўзаро ҳамжиҳатлик, маданиятлараро мулоқотда кутубхоналарнинг ўрни муҳим эканлиги таъкидланди

Муяссар Балтабаева, главный специалист Научно-методической и исследовательской службы Национальной библиотеки Узбекистана,

В статье представлена информация о прошедшей ***12–13*** *апреля* ***2016*** *года в Российской государственной библиотеке* ***(РГБ)*** *Международной научно-практической конференции* ***«Румянцевские чтения – 2016».*** *В конференции приняло участие более* ***300*** *специалистов из* ***12*** *стран. Среди участников – представители библиотек, музеев, вузов, НИИ и иных учреждений, центров и объединений. В рамках конференции прошел форум «Национальные библиотеки и единое информационное пространство СНГ: вызовы времени и перспективы развития».* ■